



Ислом Нури

«...» :... «...»
...»

(...).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мажлисда қавмга гапириб турганларида бир аъробий келиб: «Қиёмат қачон?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзлашда давом этдилар. Қавмнинг баъзилари: «Унинг гапини эшитдилар-у, лекин айтган сўзини ёқтирмадилар» дейишди. Баъзилари эса: «Йўқ, эшитмадилар» дейишди. Сўзларини тугатгач: «Қиёмат ҳақида сўровчи қани?» дедилар. «Ҳа, мен, ё Расулуллоҳ» деди. У зот: «Омонат зое қилинса, қиёматни кутавер» дедилар. «Уни зое қилиш қандай бўлади?» деди. «Ишни нолайиқ одамга топширилса, қиёматни кутавер» дедилар (Имом Бухорий ривояти).

...» :...
...»

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам деярли ҳар бир хутбаларида: «Омонати йўқ кишининг иймони йўқ, аҳди йўқ кишининг дини йўқ», дердилар (Имом Аҳмад ривояти).

Шарҳ:

Омонатнинг масъулияти жуда катта, Аллоҳ таоло уни муҳофаза қилиш, адо қилиш ва риоя қилишга буюрган, омонатдор кишиларни



мақтаган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам омонатдорлиги йўқ кишининг иймони бўлмаслигини, омонатни зое қилиш қиёматнинг белгиларидан эканини айтганлар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Омонатнинг иши оғирлиги, уни асраш лозимлиги;
2. Омонатга риоя қилиш нажот топувчи мўминларнинг сифатидан экани;
3. Омонатларни ўз эгаларига адо қилиш шартлиги;
4. Омонатдорлиги йўқ кишининг дини бўлмаслиги.